

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ АҲАМИЯТИ.

Хамидова С.Я - Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети
“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси доценти.

Калит сўзлар: Бошқарув ҳисоби, сегмент ҳисоботи, трансферт баҳо, бошқарув ҳисоби ва таҳлил, “Standart-costing”, “Direkt-costing”, харажатларни туркумлаш, ички ҳисобот.

Мамлакатимиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этишда раҳбарларнинг бизнес қарорларини қабул қилишда бошқарув ҳисобининг роли каттадир. Бизнес ва тадбиркорнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини бошқаришда бошқарув ҳисобини ўрганиш жараёни ушбу заруриятни келтириб чиқарди.

Ушбу бошқарув вазифалардан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини ёритадиган ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўлган ахборотлар тизимини ташкил қилишга янгича ёндашишни талаб қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти юзасидан субъект раҳбари томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишида бизнес режа, меъёрий, технология, ҳисоб ва аналитик маълумотларга асосланади. Бугунги куннинг асоси бўлган ҳисоб назорат ва таҳлилни мослаштириш тартибга солиш бизнес-режа маълумотлари билан тезкор ҳисоб маълумотларини таққослаш натижасидагина амалга оширилади.

Донни қайта ишлаш корхоналаридаги бошқарув қарорларининг натижаларини баҳолаш ва уларнинг бажарилишининг масъуллиги фақатгина ички ҳисобот маълумотларига асосан амалга оширилади. Бизнес ва тадбиркорнинг истқболини режалаштириш ва белгилашда бошқарув ҳисобининг ўзига хос усуллар ёрдамида аналитик ҳисоб-китобларига асосланади. Шунингдек, бошқарув ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва услубига, ишлаб чиқаришни юритиш тамойилларига эга бўлиб, у бухгалтерия ҳисобининг мустақил бўғини сифатида фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади.

Донни қайта ишлаш корхоналари фаолиятида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойда олишга йўналтирилган ва қўйилган мақсадларга эришиш учун бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизми сифатида тушунчага эга бўлиш мақсадида, бошқарув ҳисобининг моҳияти ва заруриятига таянган ҳолда асослаб бериш имкониятига эга бўлиши зарур. Аниқ бир бизнес шароитига мослаштириладиган бошқарув ҳисобини бошқарув мақсади ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланиши ёки ишлаб чиқилиши лозим.

Бугунги кунда бошқарув ҳисобининг вазифаларини бажаришда далилларга асосан исботлаш ва ички ҳисоб ёки сегмент ҳисоботи ва назорат тизимини тузишда унинг тамойилларини қўллаш лозим. Маълумки бошқарув ҳисобини ўрганаётганда унинг ўзига хос тамойилларига асосий эътиборларни қаратиш лозим:

- ишлаб чиқаришнинг бизнес-режасини тузиш ва уни ҳисобга олишда ўлчовнинг бир хил режа-ҳисоб бирлигидан фойдаланиш;

- кичик бизнес ва тадбиркорлик бўлимларининг фаолиятини баҳолаш;

- иқтисодий ахборотларнинг тўлиқлиги ва мукамаллиги;

- кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ёритишда даврийлик;

- сарфланган харажатлар устидан бюджет (смета) ва меъёрий назоратни ўрнатиш;

- сегмент ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим қилиш.

Бу тамойиллар бўйича ишлаб чиқарилган бизнес-режага мувофиқ бизнесда ва тадбиркорликнинг аниқ фаолиятини турларига таълуқли бўлган бошқариш курали сифатида ва ички фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган талаби таъминлайди.

Шунингдек, корхоналар фаолиятини ташкил қилишда бошқарув ҳисобининг қўйидаги назарий асосларини ўз ичига олади:

-бизнес ва тадбиркорликнинг ахборотлар тизимида бошқарув ҳисобининг аҳамияти ва тутган ўрни ёритилади;

-бошқарув ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг умумий тизимидан чиқаришнинг зарурияти асосланади;

-бошқарув ҳисобининг моҳияти, объекти, усуллари, услуви, таркибий қисми, бажарадиган вазифаси, тузилиш тамойиллари ва унинг тизими ёритилади;

-бизнес ва тадбиркорлик объекти ва бошқарув ҳисобининг объектлари таққосланиб таснифи берилади;

-бошқарув ҳисоби ва таҳлил асосида ёритилади.

Донни қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш мақсадида харажатларни туркумлаштириш, трансферт баҳони белгилаш усули ва уни ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш.

Ишлаб чиқариш масъулият марказлари ва рентабеллик даражаси айрим ҳолда берилган ва унга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш ва назорат кўрсаткичлари, харажат марказларининг шаклланиш шартлари, масъуллик даражаси ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобга олиб аск эттирилади.

Бошқарув ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини бошқариш, уларни баҳолаш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва уларни таҳлил қилинади.

Ишлаб чиқаришдаги иқтисодий харажатлари мазмунга қараб асосий-ўзгарувчан, доимий харажатлар бўйича меъёрларни ишлаб чиқиб, смета ва бюджетларни тузишдаги усуллари асослаб берилади. Бундан ташқари, мазкур харажатларини меъёрлаштириш ва режалаштириш, моддий ва меҳнат сарфлари бўйича сметалари ишлаб чиқилади.

Донни қайта ишлаш корхоналари фаолиятидаги харажатлар устидан меъёрий ва бюджет назоратини ўрнатиш усуллари ва ишлаб чиқариш харажати ва таннархини камайтиришнинг асосий йўналишлари очиб берилади. Сарфланаётган харажатларни назорат қилиш ва тартибга солишда бизнес-режанинг, меъёрлаштириш, ҳисоб ва таҳлил қилиш маълумотларидан кенг куламда фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини аниқлашда калькуляция қилиш усули орқали ҳисобга олинади. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган калькуляция усуллари ҳисобланган “Стандарт-костинг”, “Директ-костинг” усуллари мавжуд бўлиб, яъни ишлаб чиқаришда ва маҳсулот таннархини аниқлашда мазкур усулларида белгиланган тартиб бўйича фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, бошқарув ҳисоби маълумотларига кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркор раҳбари томонидан бошқарув қарорларни қабул қилишда қўйидаги асосий

мақсадларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ахборотларни йиғиш тартиби ҳамда уларнинг босқичлари:

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш йўллари;
- товар-моддий захираларга ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарф-ланган ортиқча харажатларни камайтириш;
- янги техника-технология ва ноу-хау;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларга трасферт баҳони аниқлаб ўрнатиш;
- тайёр маҳсулотлар ҳажмини ва сотиш ҳисобига олинадиган фойданинг ҳисасини аниқлаш;
- инвестиция бўйича қарорларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фикримизча бошқарув ҳисобига тааллуқли бўлган бу масалалар, сегментар ҳисоботини тузиш, фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш ва натижада баҳолаш билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг фаолиятида маълумотлардан ўз вақтида комплекс фойдаланишнинг имконияти ортади.

Бошқарув ҳисобидаги шакл ва мазмуни бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг ички бўлинмаларини бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини оширишга қаратилади. Шу билан бир қаторда бошқарув ҳисоби тизимини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорнинг раҳбари ҳамда масъул ишчи ходимларига тушунтириш ва амалиётда қўлланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорга катта ёрдам беради деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон фармони.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 25.12.2020.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 13-апрелдаги ЎРҚ-404-сонли "Бухгалтерия ҳисоби тўрисида" ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-4611-сон қарори 24.02.2020.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 8-январдаги "Ишлаб-чиқариш харажатларини қисқартириш ва саноатда маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори.
6. Маҳсулотлар (ишлар,хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва 2018 йил 24 майдаги 09/18/384/1266-сонли молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом.
7. Джамбакиева Г.С. «Финансовый учёт и отчётность» // Учебник 2018 г -248 с.
8. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. «Экономический анализ